O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№
Majburiy bepul nusxa

# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2010-yil, 3-dekabr • № 49 (4084)

*8 декабр — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун*

# ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ

***Мана, декабр ойи бошланиб, мустақиллик тарихимизга яна бир ёрқин саҳифа бўлиб кирадиган 2010 йил ҳам якунига етиб бормоқда. Эътиборли томони шундаки, биз учун нафақат 2010 йил, балки тинимсиз яратиш ва бунёдкорлик билан ўтган, Ватанимиз тарихида том маънода алоҳида бир давр бўлиб қоладиган XXI асрнинг дастлабки ўн йиллиги ҳам поёнига етмоқда.***

Бу даврнинг устувор жиҳатлари ҳақида сўз борганда, беихтиёр Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 12 ноябр куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган маърузасини тилга олишимиз табиийдир. Чунки жуда кенг қамровли, дастурий аҳамиятга молик ушбу маърузада давлатимизнинг кейинги қарийб 20 йиллик босиб ўтган йўли, жумладан, сўнгги ўн йиллик давр ҳам тарихий, ҳам ижтимоий-сиёсий жиҳатдан чуқур таҳлил этилди. Шу билан бирга, мамлакатимизни модернизация қилиш, ислоҳотларимизни чуқурлаштириш, биз барпо этаётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини янада мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли амалий таклиф ва хулосалар, ғоялар илгари сурилди.

Авваламбор, маърузанинг юксак бунёдкорлик руҳи, Ўзбекистонимизни дунёдаги ривожланган давлатлар қаторида кўриш орзуси билан суғорилган мазмуни бутун халқимиз қатори биз – ижод аҳлини ҳам ғоятда тўлқинлантириб юборди.

Эл-юртимиз келажаги, Ватанимиз истиқболига дахлдор бўлган энг эзгу орзу-интилишлар, олдимизда турган ўта долзарб вазифалар ҳақида давлатимиз раҳбарининг куюниб айтган фикрлари қалби шу муқаддас заминга фарзандлик ҳисси билан тўлган, ўзини унинг ҳақиқий фуқароси деб биладиган ҳар қандай инсонни бепарво қолдирмайди. Айниқса, бизнинг шундай буюк ўзгаришлар даврида яшаётганимиздан, бу жараёнларнинг иштирокчиси бўлаётганимиздан кўксимиз ғурур-ифтихорга тўлмоқда. Айни пайтда фуқаролик масъулияти, она халқимиз олдидаги қарздорлик туйғусини ҳам юрак-юрагимиздан ўтказмоқдамиз.

Албатта, салкам йигирма йиллик давр осонлик билан ўтгани йўқ. Бу йиллар тинимсиз курашлар, қувонч ва изтироблар, баъзан ҳатто оғир йўқотишлар билан ўтди. Юртимиз раҳбарининг ҳар қандай вазиятда ҳам ўз халқининг тинчлиги, бугунги ва эртанги саодатини ўйлаб, жасорат ва фидойилик кўрсатиб амалга оширган изчил ва қатъий ислоҳотлари туфайли биз бугун улкан натижаларга эришмоқдамиз. Биргина мисол: бордию бундан 19 йил олдин вақти келиб Ўзбекистонимизнинг икки палатали парламенти бўлади, деса, бу гапга биров ишонармиди?

Маълумки, ҳаёт, инсон учун умид ва ишонч рамзи бўлган янги кун мусаффо тонгдан бошланади. Демак, тириклик уйғоқликдан бошланади. Ҳаёт ҳамма замонларда ҳам уйғоқ ва ҳушёр одамларни хуш кўради. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг барчамизни эришилган натижаларга маҳлиё бўлмасдан, келажакни ўйлаб, маррани янада баландроқ олиб яшашга даъват этаётгани бутун халқимиз қатори биз — адабиёт аҳлини ҳам янада фаол бўлишга, диёримиздаги ҳар бир ўзгариш замиридаги меҳнат ва ҳаракатни чуқур ҳис қилиб, шу асосда мазмунли, бадиий юксак асарлар яратишга ундайди.

Бугунги шиддатли тараққиёт дунёсида фақат олдинга интилиб, ўзининг бор куч ва салоҳиятини намоён этиб, ўз келажагини ўз қўли билан барпо этадиган халқ, миллатгина муродга етади. Менинг назаримда, Президентимиз маърузасида қизил ип бўлиб ўтадиган асосий ғоялардан бири шундан иборат.

Таъкидлаш жоизки, маърузада келажак ҳаётимизга, фуқаролик жамияти пойдеворини мустаҳкамлашга алоқадор биронта масала эътибордан четда қолмаган. Уларнинг барчасини ҳал этиш йўллари ва воситалари аниқ кўрсатиб берилган. Жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш масаласи ҳам алоҳида устувор вазифа сифатида таҳлил этилган. Мамлакатимизда жамият ҳаётини демократлаштиришга эришиш учун нафақат Олий Мажлис депутатлари, сенаторлар, айни пайтда маҳаллий кенгашлар депутатларининг фаоллиги, улар тимсолида бутун жамиятимиз аъзолари, юртимиз аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражаси ўсиб бориши муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланган.

Маълумки, халқнинг маънавий юксалишида ижтимоий тафаккурнинг бошқа шакллари қатори бадиий адабиёт ҳам беқиёс аҳамият касб этади. Эҳтимол, кимгадир бадиий адабиёт фақат кўнгил дунёси, одамларнинг ички оламини ёритадиган, ижтимоий воқеликдан йироқ соҳа бўлиб туюлиши мумкин. Лекин бу мутлақо нотўғри қараш. Аслида, инсон, халқ, миллат ва жамият қандай улуғ орзу-интилишлар билан яшаса, нафас олса, бу масалаларнинг барчаси адабиётга дахлдордир. Негаки, бадиий адабиётнинг асосий тасвир қуроли бўлган тилни она халқимиз асрлар, минг йиллар оша қанча-қанча синов ва машаққатлардан безавол олиб ўтган, биз учун бойитиб, сайқаллаб берган. Бугун биз кичик шеър ёки мақола ёзсак ҳам аввало ана шу тилдан, унинг бебаҳо бойликларидан фойдаланамиз. Шунинг учун ҳам бадиий адабиётни халқ, жамият ҳаётининг кўзгуси, деймиз. Шундай экан, она тилимиз хазинасидан баҳраманд бўладиган бадиий адабиёт, биз яратадиган ҳар бир асар халқимиз бизга берган ана шундай беқиёс бойлик учун миннатдорлик ифодаси бўлиши керак.

Давоми иккинчи саҳифада



Шеърий лаҳза

## Бахтимиз қомуси

Конституция бу — қонун ҳамда бурч,
Бошқарув мезони эрур адолат.
Фуқаролар бўлсин дея бирдам, қурч,
Қудратли жамият берур кафолат.

Давлат барпо этдик, шиоримизда
Соҳибқирон сўзи "Рости — русти" бор.
Инсон қадри азиз диёримизда,
Фаровон ҳаётда қонун устувор.

Давлат паноҳида, Ҳақ соясида
Инсон иродаси, қадди букилмас.
Конституция ҳимоясида
Бировнинг бир тола сочи тўкилмас.

Халқ учун қонунлар битилган зарҳал —
Ўқиш, ишлаш, озод яшаш ҳуқуқи...
Давлат тақдирини халқ этади ҳал,
Юракда ҳуррият руҳи, шукуҳи.

Мамлакат бадавлат, раият омон,
Замин саховатли, осмон беғубор.
Буюк келажакни кўзлаган карвон,
Чўққилар чорлайди юксак, пурвиқор.

Рустам МУСУРМОН

**Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддаси.

Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан

***Яқинда биз — бир гуруҳ ижодкорлар Қорақалпоғистон овул ва шаҳарларида меҳнаткашлар, маҳалла фаоллари, лицей-коллеж ўқувчилари ва талабалар, ижодкорлар ҳузурида бўлдик. Сафар баҳонасида ўзидан тарих тароватини таратиб турган қадимий ёдгорликларни ҳам зиёрат қилдик. Сирларга тўла Чилпиқ обидаси, Жампиқ қалъа деворларидан кўз узолмай, тарих садоларини қалбимизда теран ҳис этдик.***

***Биз мозий воқеалари билан шу қадар яқин, шу қадар юзма-юз келиб турар эдикки, бундай лаҳзаларда тарихга дахлдорлик туйғусини туюшнинг ўзи одамга фавқулодда руҳ, шукуҳ бағишлашига яна бир бор амин бўлдик.***

Эртаклардаги шундай лавҳалар ёдимизда қолган: узоққа отланган карвон саҳрода борар экан, сувсизликдан танг аҳволга тушар, қуёшнинг аёвсиз жимир-жимирида олисларда боғлар, шаҳарлар, отилиб ётган булоқлар кўзга чалинар, яқинлашиб борганда эса уларнинг сароб экани маълум бўларди.

Саҳро бағрида қад кўтарган Қўнғирот сода заводи, улкан корхонанинг Элобод деб номланган шаҳарчаси ҳам узоқдан худди эртакмисол бўлиб кўринади. Лекин бу сароб эмас, ҳақиқат! Равон кўчалар, турар жойлар кишида ҳавас уйғотади. Катта шаҳарларникидан қолишмайдиган ҳашаматли спорт саройи, болалар боғчаси, мактаб, кимё-технология коллежи бинолари савлат тўкиб турибди. Том маънодаги замонавий шаҳар!

# ҚОРАҚАЛПОҚ ДИЁРИДАГИ БУНЁДКОРЛИКЛАР



Нафақат бой тарихий ўтмиши, балки бугунги кун руҳи билан яшаётган меҳнат аҳли эришган зафарлар ҳам кишига илҳом ва ишонч бағишлайди. Шу ўринда қорақалпоқ диёрида зироатчилик соҳасида олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталсак. Оролбўйи меҳнаткашлари бу йил давлатга тўқсон минг тоннага яқин дон, икки юз минг тоннага яқин пахта топширдилар. Амударё, Чимбой, Кегейли, Қанғликўл, Элликқалъа туманлари, айниқса, катта хирмон уйди. "Юсуф хўжа", "Амирхон", "Ўрозбоев Улуғбек", "Турсунбоева Умида", "Генжебек", "Ак телпек", "Худойбергенова Гулдана", "Нурий" фермер хўжаликлари ҳар гектарнинг ўртача ҳосилдорлигини 35-40 центнердан оширдилар.

Пахта сотиш бўйича шартномавий режаларни бажарган хўжаликларга эндиликда қўшимча топширилган пахта хомашёсини қайта ишлаш натижасида олинадиган чигитдан ишлаб чиқиладиган маҳсулотлар ажратиб бериладиган бўлди. Давлат томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликлар ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида қўл келмоқда.

* * *

Мамлакатимизнинг энг шимолий нуқтасида қад тиклаган корхона ўз куч-қудратини намоён этиб турибди. Завод аҳли қўлга киритаётган ютуқлар салмоқли. Истиқлолимиз неъматларидан бири бўлган Қўнғирот сода заводи Марказий Осиёда ягона ҳисобланган корхонанинг довруғи йил сайин ошиб бормоқда.

Давоми иккинчи саҳифада

## МАДАНИЙ ҲАЁТ

Халқаро ногиронлар кунига бағишлаб Тошкент шаҳридаги махсус ногирон болалар мактаблари тарбияланувчилари учун "Зеб ичра зийнат" санъат марказида маданий-оммавий хайрия тадбири ўтказилди. Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Халқ ижодиёти ҳамда ахборот маркази, "Ғунча", "Гулхан" журналлари ва "Тонг юлдузи" газетаси ҳамкорлигида ташкил этилган бу тадбирда Тошкент шаҳридаги маданият муассасалари бадиий ҳаваскорлик жамоалари ва ижрочи ёшлар концерт берди.

Сарвиноз ЙЎЛДОШЕВА

# ХАЛҚИМИЗ ТАРИХИНИНГ ШОҲ БАЙТИ

***Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида «Алпомиш» достони миллатимиз ўзлигини намоён этадиган, авлодлардан авлодларга ўтиб келаётган қаҳрамонлик қўшиғи сифатида халқимизнинг бебаҳо маънавий дурдоналаридан бири эканини таъкидлайди: «Агарки, халқимизнинг қадимий ва шонли тарихи туганмас бир достон бўлса, «Алпомиш» ана шу достоннинг шоҳ байтидир».Мустақиллик йилларида «Алпомиш» достони ҳам халқимиз тафаккурининг бебаҳо намунаси сифатида эъзоз топмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 7 октябрда қабул қилинган "2010 — 2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорида ҳам «Алпомиш» достонини фундаментал илмий тадқиқ этиш ишларини янада кучайтириш, унинг кенг тарқалган турли вариантларини солиштириш асосида достоннинг умумбашарий маънавият билан муштараклигини намоён этиш алоҳида белгиланган.***

***Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбири "Алпомиш" достонининг миллий ва умумбашарий маънавиятда тутган ўрни, аҳамияти ҳамда бугун алпомишшунослик йўналишида амалга оширилаётган тадқиқотлар кўлами ҳақида Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг фолклоршунослик бўлими катта илмий ходими, филология фанлари номзоди Шомирза ТУРДИМОВ билан суҳбатлашди.***

— Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий ўзликни англаш, маънавиятни юксалтириш йўлида улкан ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Ш.Турдимов. — Бу жараёнда Ватанимиздаги маънавий мерос, маданий бойликлар, тарихий ёдгорликларни тиклаш, халқимизнинг жаҳон тамаддунида тутган ўрни ва аҳамиятини намоён этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шундай эзгу ишлар силсиласида ўзбек халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси — "Алпомиш" достони ҳам инсон ва табиат уйғунлиги, умид ва ишонч фалсафаси, ор-номус, ватанпарварлик, бағрикенглик, матонат ва садоқат қўшиғи сифатида ўзининг янги ҳаётини бошлади. Зотан, "Алпомиш" нафақат халқимизнинг, балки бутун инсониятнинг маънавий меросидир. Бадиият ва эпик тафаккур қонуниятларидан бохабар инсон борки, бу асарнинг дунё тамаддуни ҳамда инсон тасаввур ва тафаккуридаги ноёб бадиий-эстетик ҳодиса эканини тан олади.

"Алпомиш" туб мағзидаги улкан ҳикматнинг ўзаги алпнинг қуйма сифатларида тимсолий ифодаланган: Алпомиш — ўтда ёнмайди, сувда чўкмайди, қиличда чопилмайди. Ўт — осмон олами, сув — ер ости, қилич — ер юзи дунёлари қуввати рамзи эканини инобатга оладиган бўлсак, алп борлиғи ушбу уч ўлчам кучлари қуввати билан камолга етган баркамол шахсдир.

Алпомишнинг аввалги исми Ҳакимбек экани ҳам бежиз эмас. Чунки "алп" сўзи "ҳаким — донишманд, билга", "миш/мес" сўзи эса "ботир, баҳодир, қаҳрамон" маъноларига эга.

Давоми учинчи саҳифада

# АДИБНИ ЁД ЭТИБ

Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ ёзувчиси Саид Аҳмад таваллудининг 90 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди.

Анжуманни Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидов очиб, Саид Аҳмад Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳордан кейин адабиётимизга кириб келган янги авлод вакилларидан бири эканини, бу авлод ичида адибнинг алоҳида ўрни борлигини таъкидлади. Зеро, инсон қалби эмас, "Темир оқим", "Цемент" куйланган замонда Саид Аҳмаднинг чуқур лиризм билан суғорилган юмори, табассуми ва қаҳқаҳаси ярқ этиб кўзга ташланган эди.

Ёзувчи қатағон йилларининг жабру ситамларини, азобларини ўз бошидан кечирди. Фақат мустақиллик давридагина Саид Аҳмад ижоди чинакам маънода қадр топди. У "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони, "Буюк хизматлари учун", "Дўстлик" орденлари билан мукофотланди. Хотира кечасида Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов адиб асарларининг тили, услуби, характери ҳақида сўзлади. Саид Аҳмад юмори Гогол, Азиз Несин каби жаҳон кулгу усталари асарларидан қолишмаслигини айтди.

Адабиётшунос олим ва адиблар Умарали Норматов, Иброҳим Ғафуров, Ўткир Ҳошимов, Анвар Обиджон, Олмос Аҳмедова, Маҳмуд Тоир, Фарида Афрўз, Ашурали Жўраев Саид Аҳмад ҳаёти ва ижоди, романлари ва ҳикояларининг аҳамияти ҳақида сўзлаб, "Борса келмас дарвозаси", "Офтобойим", "Сароб" ҳикояларида машъум тузумнинг жабру зулмлари тасвирланганини, "Кўклам тароналари" ҳикоялар туркуми, "Уфқ", "Жимжитлик" романлари, "Келинлар қўзғолони" комедияси, "Йўқотганларим ва топганларим" хотира китоби адабиётда воқеа бўлганини таъкидладилар. Сўзга чиққанлар Саид Аҳмад ҳаётида рўй берган унутилмас воқеаларни эсладилар. Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупова адиб драматургияси, унинг "Келинлар қўзғолони" комедияси ҳақида гапирди. "Уфқ" романидан она монологи ва Саида Зуннунова достонидан парча ўқиди.

Нодира Ҳусанхўжаева ота-онаси Саид Аҳмад ва Саида Зуннунованинг ҳамнафас ижодий фаолиятлари ҳақида сўзлаб, уларнинг қатағон йилларида бир-бирларига ёзган мактубларини ўқиб берди. Хотира кечаси ташкилотчиларига миннатдорлик билдирди.

# МАЪНАВИЙ МУЛК ҚАДРИ

Бетакрор қадриятларимиз — номоддий маданий мерос таркибига кирувчи халқ оғзаки ижоди ва бошқа ижод турлари халқимиз маданиятининг бойишига хизмат қилиб келмоқда. "Алпомиш", "Гўрўғли" каби туркум достонлардан инсон жасорати ва қаҳрамонлик хислатларини ўргансак, "Шашмақом", "Катта ашула" каби мусиқий меросимиз қалбга улуғворлик туйғуларини бахш этади. "Наврўз", "Меҳржон", "Сумалак сайли" каби байрамларимиз эса ўзида халқимизнинг меҳр-оқибат, саховат каби олижаноб фазилатларини мужассам этган анъаналар сифатида маънавий ҳаётимизда муҳим ўрин тутмоқда. Бизнинг вазифамиз ана шу дурдона санъат асарларини асраб-авайлаб, авлодларга етказишдир.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлигида бўлиб ўтган тадбирда ҳам "2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарор ижросини амалга ошириш юзасидан режалаштирилган вазифалар ҳақида сўз борди. Дастурда номоддий маданий меросни бешта йўналиш бўйича ўрганиш ва тарғиб қилиш назарда тутилади.

Кўплаб эзгу мақсадларни ўз ичига олган ўн йиллик Дастур режаси "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари" юз томлигини асар матни, нотаси ва изоҳлари билан нашрга тайёрлаш, юртимизнинг барча ҳудудлари ва қўшни қардош ўлкаларда яшовчи ўзбеклар фолклори намуналарини ёзиб олиш ҳамда келгуси авлодларга қулай ва замонавий усулда етказиш каби масалаларни ўз ичига олади.

Номоддий маданий меросни илмий жиҳатдан таҳлил этиш учун ёш олимлар ва мутахассисларни жалб этиш, экскурсия саёҳатларини уюштириш лозимлиги ҳам Дастур режасига киритилган. Маданий қадриятларимизга ҳурмат ва меҳр туйғуларини кучайтиришда бу каби тадбирларни амалга ошириш давр талабидир. Тадбирда унутилиб кетаётган маънавий меросимизни сақлаб қолиш, қидириб топиш, қайта тиклаш ва табиийлигини сақлаган ҳолда авлодларга етказиш лозимлиги таъкидланди.

Ўз ахборотимиз

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ. тел: 233-08-34 Сайт: www.pochta.uz ; e-mail: oao@post.uz

# ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ

Бошланиши биринчи саҳифада

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳот ва ўзгаришларнинг марказида инсон манфаатлари, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, Ватан тараққиёти, фарзандларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги каби бир-биридан буюк мақсадлар турибди. Бинобарин, бу жараёнларнинг маъно-моҳиятини сўз санъати орқали тасвирлаш адабиёт аҳлининг эл-юртимиз олдидаги муқаддас бурчидир. Чунки бу мақсадлар халқимиз қалбининг тубида неча замонлар армон бўлиб келган ва бугун амалий ҳаракатга айланаётган эзгу орзу-интилишлар ифодасидир.



Содда қилиб айтганда, Ватандан ташқарида Ватан адабиёти йўқ ва бўлмайди. Таъбир жоиз бўлса, инсоннинг киндик қони томган ердан Ватан, она юртга меҳр-муҳаббат жўшган кўнгилдан эса адабиёт, ҳақиқий адабиёт бошланади. Шунинг учун ҳам шоир ва ёзувчида аввало гражданлик позицияси – оддий қилиб айтганда ўз ери, ўз халқи учун оташин муҳаббат бўлмоғи керак. Бу ҳақда Юртбошимиз «Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор» рисоласида шундай фикрларни билдирган: "Менинг фикримча, ёзувчилик – бу оддий касб эмас, Худо берган истеъдоддир. Бу – қисмат, пешонага ёзилган тақдир. Бу касбга ҳеч қаерда ўқитиб, ўргатиб бўлмайди. Ёзувчиликнинг мактаби, дорилфунуни ҳам битта. У ҳам бўлса, бир умр ҳаётнинг ичида бўлиш, ўз халқи билан ҳамдарду ҳамнафас бўлиб яшаш, ҳақиқат ва адолатга садоқат билан хизмат қилишдир".

Кейинги пайтда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси йўлланмасига кўра жойлардаги ислоҳот ва ўзгаришлар натижалари, тобора чирой очиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимиз, бунёдкор замондошларимиз билан яқиндан танишиш мақсадида шоир ва адибларимиз мамлакатимизнинг турли вилоятларида сафарда бўлиб қайтишяпти.

Яқинда биз – бир гуруҳ ижодкорлар ҳам Навоий вилоятида шундай сафарда бўлдик. Аввало, шеърият султони, улуғ бобокалонимиз номи билан аталган, бугунги кунда ҳар жиҳатдан юксалиб, обод бўлиб бораётган бу вилоятга қадам қўйишнинг ўзи одамга алоҳида қувонч ва ғурур бағишлайди. Тўғриси, бу заминда амалга оширилаётган улкан ишлар кўлами бизни ҳайратга солди. Авваламбор, Навоий шаҳрининг янада чирой очиб, ўзига хос салобат ва маҳобатга эга бўлиб бораётгани, бу ердаги бутун бир саноат минтақасини ташкил этган йирик корхоналарнинг жадал ривожланаётгани, Навоий аэропортида биз олдинлари тасаввур ҳам қилолмаганимиз эркин индустриал-иқтисодий зонада амалга оширилаётган ишлар улуғвор кўлами билан ногаҳон одамнинг ақлу тафаккурини лол қолдиради. Бамисоли Алишер Навоий бобомизнинг қаҳрамони – Фарҳоднинг азму шижоатидан ҳайратга тушган ўша давр одамларидек бу ўзгаришлардан ҳайратга тушамиз.

Бизнинг ҳайратимизга ҳайрат қўшган яна бир ҳолат – бу вилоятдаги одамларнинг, айниқса, Навоий кон металлургия комибинати ишчи-хизматчилари, кончиларнинг онгу тафаккуридаги ўзгаришлар, уларнинг адабиётга, шеъриятга бўлган муҳаббати бўлди. Биз қаерда бўлмайлик – Навоий давлат кончилик институтида ёки Зафарободдаги 5-кон бошқармасидами, Нуробод, Маржонбулоқ, Зармитан кончиларини жамлаган Жанубий кон бошқармаси ёки Зарафшондаги марказий кон бошқармасидами – ҳамма жойда юртдошларимизнинг кўнглидаги, кўзидаги нурни, юзидаги қувончни, дилида, тилида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга бўлган улкан ишончни, ўз касбига бўлган муҳаббатни, рўзғори бутлигидан шукроналикни кўрдик, чин дилдан ҳис қилдик. Зафарободдаги болалар боғчасига кириб, ҳайратимизни яшира олмадик. Кичкинтойлар учун қишки чўмилиш ҳавзаси ёки замонавий спорт заллари дейсизми, Ватанимиз тарихидан, неча авлодлар оша яшаб келаётган урф-одатларимиздан ҳикоя қиладиган қизиқарли кўргазмали воситалар, табиатни, жонзотларни асрашга доир бурчаклар дейсизми – умуман, жажжи болакайларнинг жисмоний ва маънавий камоли учун нима зарур бўлса, барча-барчаси муҳайё.

Навоий шаҳридаги «Фарҳод» кончилар санъат саройида бўлиб ўтган якуний учрашувимиз, ҳеч шубҳасиз, бизнинг ёдимизда узоқ вақт сақланиб қолади. Бу ерда жам бўлган 700 нафардан зиёд адабиёт мухлиси – кончилар, талабалар, коллеж ўқувчилари, турли миллат ва элат вакилларининг санъатга, шеъриятга бўлган муҳаббатини, ўзаро ҳамжиҳатлигини кўриб, жамиятимизда меҳр-оқибатни, дўстлик ва аҳилликни мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг қанчалик муҳим ва катта аҳамиятга молик эканини яна бир бор ҳис этдик. Ўзбек тилида бурро куйлаётган, шеър ўқиётган русийзабон ёшлар, турли миллат вакилларини ягона мақсад – жонажон Ўзбекистонимизга меҳр ва муҳаббат, унинг келажагига бўлган ишонч бирлаштириб турганини кўриш, ўйлаймизки, ҳар бир ижодкор инсонга ўзгача қувонч ва сурур бағишлайди.

«Одамлар китоб ўқимай қўйди», дейдиганлар Навоий шаҳрига борсин. «Фарҳод» санъат саройида уч қаватли муҳташам кутубхонани, унинг ўқув залини тўлдириб ўтирган ёшларни кўриб қувондик. Биз учрашув ўтказган кунимиздан икки кун олдин бу қутлуғ даргоҳга Тошкент шаҳридан саккиз миллион сўмлик янги бадиий адабиётлар олиб келинган экан.

Навоий вилоятидаги улкан ўзгаришларни ўз кўзимиз билан кўриб кузатар эканмиз, бир пайтлар – собиқ мустабид тузум даврида бу вилоят, бу ердаги кон металлургия комбинатининг келажаги хавф остида қолганини беихтиёр эсга олдик. Фақат Президентимиз Ислом Каримовнинг бутун масъулиятни зиммасига олиб, ўз вақтида кўрган амалий чора-тадбирлари туфайли бу вилоят мустақиллик йилларида қайта тикланиб, кон металлургия комбинати сақлаб қолингани миннатдорлик билан таъкидланди. Ана шундай мардлик ва жасорат бўлмаганида бугунги шундай катта ўзгаришларга гувоҳ бўлиб турармидик?

Халқ ичига кирган, меҳнат аҳлига ҳамнафас бўлиб, одамларнинг кўзига қараб шеър ўқиган, саволига жавоб берган ижодкорда масъулият ҳисси янада ортади. Нурободда бўлиб ўтган учрашувда ўзини Абдураҳим, дея таништирган бир кончи ушбу учрашувга 150 километрлик масофани босиб келганини айтди ва ҳақли бир савол берди.

— Биз – ер остида ва кун тиғида очиқ конда ишлайдиган инсонларнинг ишимиз жуда мураккаб. Бир сония диққатни бўлиш, чалғиш мумкин эмас. Мен буни касбимдан нолиб айтаётганим йўқ. Аксинча, Ватанимиз тараққиёти учун зарур бўлган энг муҳим бойликни қазиб олишга ҳисса қўшаётганимдан бахтиёрман. Аммо ёзувчиларимиз, журналистларимиз нега кончиларнинг машаққатли меҳнати ҳақида тузукроқ бир асар ёзишмайди?

Абдураҳим аканинг бу сўзлари бутун кончилар фикрининг ифодаси бўлиб жаранглади ва ҳамкасбларининг олқишига сазовор бўлди.

Албатта, эл-юрт олдидаги ижтимоий бурчини тўғри тушунган ижодкорни бу савол бефарқ қолдириши мумкин эмас. Мен ҳам қўлимга қалам олганда, энг аввало, мана шу бурч ҳақида ўйлайман. Тасаввур этингки, биз ёшлигимизда қандай адабий қаҳрамонларни ўзимизга идеал образ сифатида қабул қилганмиз ва улардай бўлишга интилганмиз. Қайси асарларнинг қаҳрамонлари онгу шууримизни забт этиб, ҳаёт ва муҳаббатда, жамият, одамлар орасида комил инсон бўлиб шаклланишимизга беқиёс таъсир кўрсатган? Менинг кўз олдимга дастлаб ҳазрат Навоий бобомизнинг Фарҳодию халқ қаҳрамонлик достонларидаги Алпомиш сингари баҳодир сиймолар, тарих бўронларида миллий озодлик яловини баланд кўтарган Амир Темуру Жалолиддин Мангубердиди, Маҳмуд Торобийлар, буюк алломаларимизнинг сиймолари келади. Тарихнинг долғали бурилиш даврларида фаолият кўрсатган Беҳбудий ва Фитрат, Абдулла Қодирий ва Чўлпон сингари чин ватанпарвар аждодларимиз ибрати ҳақида ўйлайман. Албатта, ҳар бир даврнинг ўз қаҳрамонлари, ёшлар ибрат оладиган идеал образлари бўлади. Бироқ биз адибларга савол билан мурожаат қилган Абдураҳим ака ҳам бугуннинг қаҳрамонларини — саҳроларда кон очаётган, неча минг тонналаб қум зарралари орасидан мисқол-мисқол олтин саралаб олаётган, тоғларни кесиб темир йўл ўтказаётган, Устюрт ва Қизилқум саҳроларини кезиб қитъалараро автомобил йўллари қураётган, нефт ва газ конларини очаётган, бу бойликларимиз асосида экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарувчи ноёб корхоналар қураётган, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини таниб бўлмас даражада ўзгартириб юбораётган ҳақиқий бунёдкорларнинг образлари, уларнинг қалбидаги ўй ва фикрлар, ташвиш ва муаммолар акс этган йирик насрий ва драматик асарларни қачон ўқиймиз, улар асосида яратилган киноасарларни қачон кўрамиз, демоқда.

Бу саволга амалий иш билан жавоб бермоқ учун биз адиблар бунёдкорлик иншоотларини шунчаки кўриб, бир айланиб қўя қолмаслигимиз лозим, деб ўйлайман. Негаки, тўрт-беш кунлик сафардан долзарб публицистик чиқишларга арзирли мавзу топиш мумкин, бироқ йирик бадиий асарларнинг "лойини пишириш" учун адиб ўша қурилиш жараёнларининг ичида яшаши зарур. Ишчи ва қурувчилар, бунёдкор муҳандислар билан ёнма-ён яшаб, уларнинг ташвиш ва муаммолари, ютуқларининг ҳақиқий гувоҳи бўлиб, буни қалб призмасидан ўтказибгина юксак савияли асарлар яратиш мумкин. Буни улуғ адибларимиз ижоди, адабиётимиз тарихи аён кўрсатиб турибди. Абдулла Қодирий йирик насрий асарларини ёзиш учун ўтмиш воқеалари изидан бориб қанча вақтини сарф этганини ҳаммамиз биламиз-ку. Ёки устоз адибимиз Пиримқул Қодировнинг газ қидирувчи кончилар ҳаётидан олиб ёзилган "Қадрим" қиссасини эслайлик. Асар қаҳрамони Искандар ва Зулайҳонинг тиниқ образларини яратиш учун адибимиз қанча вақт газчилар орасида яшагани, ҳаётнинг жўшқин манзаралари орасида бугун ҳам ўз қадрини ва аҳамиятини йўқотмаган ҳақиқий қаҳрамонларни топгани бизга маълум-ку. Шундай экан, адабиётнинг янги қаҳрамонларини жонли ҳаётнинг ўзидан излашимиз, бунинг учун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан йирик иншоотлар, катта корхоналар, мустақиллигимизни мустаҳкамлаётган буюк қурилишларга кўпроқ боришимиз, "Ижод" жамоат фонди кўмагида жонли ҳаёт ичида кўпроқ бўлишимиз зарур, деб ўйлайман.

Биздан фақат бир нарса – замон руҳига, халқимизнинг маънавий эҳтиёжларига тўла мос келадиган бадиий етук асарлар яратиш, янги жамият қурилишида, унинг маънавий асосларини мустаҳкамлашда ўзимизнинг истеъдод ва маҳоратимиз, ижтимоий фаолиятимиз билан муносиб ҳисса қўшиш талаб этилмоқда. Албатта, шоир ва ёзувчиларимиз ана шу талабни чуқур ҳис қилиб, ижодда ҳам, жамоат ишларида ҳам фаоллашиб бораётгани, айниқса, сафимизга ёшларимиз орасидан янги-янги истеъдод эгалари келиб қўшилаётгани барчамизни хурсанд этади. Буларнинг барчаси адабиётимизнинг эртанги куни ёруғ бўлишидан далолатдир.

**Маҳмуд ТОИР,**
**Ўзбекистон халқ шоири,**
**Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати аъзоси**

# ҚОРАҚАЛПОҚ ДИЁРИДАГИ БУНЁДКОРЛИКЛАР

Бошланиши биринчи саҳифада

Президентимиз ташаббуси билан Қўнғирот сода заводи учун кадрлар тайёрлаш мақсадида 2005 йили Элободда Тошкент кимё-технология институтининг махсус сиртқи бўлими очилди. Илғор замонавий технологияларни амалда қўллай оладиган муҳандис, техник ходимларни етиштириш, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда юқори малакали кадрларни тайёрлаш мазкур бўлимнинг асосий вазифаси этиб белгиланди. Бугунги кунда заводда ушбу олий ўқув юртини тугатган икки юздан ортиқ ёшлар меҳнат қилишмоқда.

2006 йил 15 сентябрда ишга туширилган корхонада каустик сода, кальцийланган сода, озиқ-овқат содаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бир пайтлар чет эллик мутахассислар шунақа чўл жойда ҳам завод қурса бўлар эканми, деб ҳайрон қолишган. Истиқлолимиз шарофати билан маҳсулоти бутун дунёга чиқадиган корхона тикланди. Ҳозир завод ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ҳажми йил сайин ошмоқда. Ўтган йили маҳсулот ҳажми 76 762 тоннага етди, бу йил эса мўлжал – 90 000 тонна! Агар, халқ хўжалигимизнинг кальцийланган содага бўлган эҳтиёжи йилига 60 минг тонна атрофида эканини эътиборга олсак, масала равшанлашади. Аввалари сода хом ашёси республикамизга четдан олиб келинарди, энди импорт ўрнига ўз маҳсулотимиздан фойдаланиш туфайли йилига 31 миллион АҚШ доллари тежалмоқда. Устига устак, корхона хорижга ҳам маҳсулот чиқара бошлади.

— 2009 йилда корхонамиз ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажми режага нисбатан қарийб беш баробарга ўсди, — дейди завод раҳбари, Олий Мажлис Сенати аъзоси Абат Рамбергенов. — Бу йилги режаларимиз ҳам улкан. Маҳсулотларимиз МДҲ мамлакатлари истеъмолчиларига ҳам етказиб берилмоқда.

Ўзаро шартномаларга биноан шу йилнинг ўзида МДҲ давлатларига 13 250 тонна кальцийланган сода юборилди, 18 хорижий ҳамкорлар билан шундай шартномалар имзоланган. Яқинда корхона сифатли маҳсулот ишлаб чиқараётгани учун халқаро "Олтин ягуар" мукофоти билан тақдирланибди. Очиғи, Қўнғирот сода заводи юртимиз иқтисодий салоҳиятини кўз-кўз қилувчи алп корхонага айланганидан фахр-ифтихор ҳис этдик.

Маълумки, кальцийланган сода ғоят нодир модда, у икки хил йўл билан ишлаб чиқарилади: биринчиси — табиий хомашё асосида, иккинчиси — синтетик ҳолда. Табиий усулда ишлаб чиқарилган соданинг дунё бозорида обрўси ҳам, баҳоси ҳам баланд. Саноқли давлатлардагина, аниқроғи, фақат Канада, АҚШ, Хитой, Бразилия ва Ҳиндистонда кальцийланган соданинг табиий хомашё захиралари кўп. Ўзбекистон жаҳондаги ана шундай давлатлар қаторига киради.

* * *

Гап саноат ишлаб чиқариши, иқтисодий салоҳиятимиз ҳақида кетар экан, Қорақалпоғистонда бу борада ишга туширилаётган иншоотлар кўплигини алоҳида таъкидлаш лозим. Президентимиз Жанубий Корея Республикасида бўлган сафари чоғида Сургил кони базасида газкимё мажмуини қуриш ва конни ўзлаштириш лойиҳаси бўйича 3 миллиард 100 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги инвестиция шартномаси имзоланиши тарихий воқеа бўлганди. Ҳозир шу корхона қурилишига катта тараддуд кўрилмоқда. "Қўнғирот" компрессор станциясида кунига 35 миллион кубометр газни қуритадиган қурилма битказилди. "Қўнғирот — Бейнов" йўналишида халқаро алоқа линияси ишга туширилди. У Қорақалпоғистонда телекоммуникация тармоғининг янада ривожланишига катта кўмак беришига шубҳа йўқ. "Тошкент — Бухоро — Нукус — Бейнов" автомагистралининг барпо этилишига 140 миллиард сўм ажратилибди. Бу йил автомагистралнинг 80 километрга яқин қисмини фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда.

Устюрт ҳудуди ва Орол денгизи атрофида олиб борилаётган қидирув ишлари туфайли олтита янги кон очилди. Ҳозир бу конлардан саноатбоп сифатли газ олинмоқда. Шунингдек, Мўйноқ тумани ҳудудида "Пўрлитов", "Соҳил", Устюртда "Қорабовир", "Шаҳло" номли янги газ конларининг очилиши кутилмоқда. Корея ва Эрон компаниялари Қораўзак ва Тахтакўпир туманларида, Россиянинг "Газпром", "Лукойл" компаниялари мутахассислари эса Устюртда янги конларни қидириш ишларини давом эттирмоқда.

Бунёдкорлик ишлари шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам, чўлда ҳам давом этмоқда. Бизга айтишларича, қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш мақсадида юзта янги турар жой ўз эгаларини топди, яқинда яна 160 та оилага янгидан қурилган уйларнинг калити топширилди. Амударё туманида 55 оила янги уйларга кўчиб кирди. Нукус шаҳрида 48 хонадон янги уйлик бўлди, 22 та янги уйда пардозлаш ишлари ниҳоясига етмоқда. Нукус, Хўжайли ва Кегайли туманларида ҳам олтмишдан ортиқ янги турар жойлар ўз эгаларини кутмоқда.

Юртбошимиз Қорақалпоғистон сафари вақтида Халқобод шаҳарчасида жойлашган "Кегайли бўян" гўштни қайта ишлаш корхонаси фаолияти билан танишган эди. Ўзбекистон — Австрия қўшма корхонаси қошида ташкил этилган мазкур кичик корхона аҳолига 30 хилдаги колбаса маҳсулотлари етказиб бераётир. Корхонада хорижий инвестиция ҳисобидан замонавий дастгоҳлар ўрнатилган. Ишлаб чиқариш технологияси компютерлар ёрдамида асосан ёшлар тарафидан бошқарилаётгани қувонарлидир. Нукус туманидаги "Қўнғиротбой-Меҳри" фермер хўжалигида эса Италия технологияси асосида қадоқланган сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилибди.

Нукус шаҳрида ҳам катта бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг янги биноси, шаҳар маркази, ундаги яшил майдонни безаб турган фавворалар кўзни қувонтиради. Майдон ўртасида Бердақ шоир ҳайкали қад кўтарган. Бу майдон халқ зиёрат қилиб келадиган жой, маънавият ва маданиятда, хусусан ёш авлод кўнглига фахру ифтихор туйғусини сингдиришда катта аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 20 сентябрида БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисида сўзлаган нутқида Орол бир авлод ҳаёти давомида деярли қуриб ва йўқолиб бораётган сув ҳавзасига айлангани, қирқ йил мобайнида Орол денгизи акваторияси 7 баравар қисқариб, сув ҳажми 13 марта камайгани, сувининг шўрланиши эса ўнлаб баравар ошгани ҳақида жаҳон аҳлини огоҳ этди. Қорақалпоқ заминида бўлган учрашувда эса бу долзарб масалага алоҳида тўхталиб: "Орол тақдири — миллион-миллион инсонлар тақдири демакдир. Шундай экан, биз ўз тақдиримиз, фарзандларимиз келажаги учун курашмоғимиз зарур!" — дея таъкидлади Юртбошимиз.

Бундай узоқни кўзлаб олиб борилаётган сиёсатга, эътибор ва ғамхўрликка Қорақалпоғистон меҳнаткашлари жўшқин бунёдкорлик, яратувчилик ишлари билан жавоб беришга интилмоқдалар. Шу йилнинг биринчи ярмида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 7,7 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 5,6 фоиз, қурилиш-пудрат ишлари ҳажми 9,1 фоиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажми 13,5 фоиз ортгани ҳам юқоридаги сўзларни тасдиқлаб турибди.

* * *

Мамлакатимизда ижод аҳлига, шоир ва адиблар, олим ва санъат кишилари, айниқса, ёш авлодга катта ғамхўрлик кўрсатилаётганига ҳаммамиз гувоҳмиз. Маънавий мезонларни баланд тутиш — бугуннинг талаби. Президентимизнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида



"Ижод" фондини ташкил этиш ҳақидаги қарори бутун мамлакат адиблари қатори қорақалпоқ қалам аҳлини ҳам руҳлантириб юборди. Амударё тумани, Нукус шаҳри ва Кегайли туманидаги ижодий учрашувларда, қорақалпоқ шоирлари ва адиблари иштирокидаги ўзаро мулоқотларда шундай кўтаринкиликни сезиб турдик.

Кейинги йилларда қорақалпоқ халқининг тарихий, маданий мероси қайта тикланиб, аждодлар томонидан яратилган маънавий бойликларни асраш ҳамда уларни нашр этиш ишига катта эътибор берилмоқда. Яқинда нашр этилган халқнинг бой маънавий хазинасини ўзида жам этган "Қорақалпоқ фолклори" безакли китоби Россияда ўтказилган халқаро китоб танловида "Дўстлик иттифоқи" номинацияси бўйича биринчи ўринни эгаллади. Бу китоб асрлар давомида авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтиб келаётган қорақалпоқ маданияти ва адабиётининг илдизлари теран эканлигидан далолатдир.

Адабий учрашувлардан бири янгидан ташкил қилинаётган "Қорақалпоқ адабиёти" газетаси таҳририятида бўлиб ўтди. Газетани тўрт тилда (қорақалпоқ, ўзбек, рус ва инглиз тилларида) чоп этиш режалаштирилган. Унинг нишона сони чиқиш арафасида экан. Ушбу нашрни тайёрлаш, материалларни тўплаш, саралаш ва уюштириш ишларига Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси, "Қорақалпоғистон тонги" газетаси мутасаддилик қилмоқда. Газетани тайёрлаш ишларига таниқли шоира Гулистон Матёқубова бош-қош бўлаётгани айниқса қувонарли. Биз янги газета ходимлари билан ижод ҳақида, адабиёт ва санъат янгиликлари, газетанинг ташкилий ишлари хусусида давра суҳбати ўтказдик, қилинаётган ишлар билан танишдик, янги газетани оёққа қўйиш борасидаги қутлуғ қадамнинг омадли бўлишини тиладик.

— Қорақалпоғистонда янги адабий газета ва болалар ҳаётини ёритишга мўлжалланган "Қалдирғоч" журналининг ташкил қилинаётгани ҳам ижод аҳлига Юртбошимиз томонидан улкан ғамхўрлик кўрсатилаётганидан далолатдир, — деди давра суҳбатида Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Ўрозбой Абдураҳмонов. — Бу диёрда йигирманчи асрда Иброҳим Юсупов, Тўлепберген Қаипбергенов сингари улкан адиблар етишиб чиқиб, қорақалпоқ адабиётини бойитди. Уларнинг анъаналарини давом эттириш, ижодини тарғиб этиш ҳаммамизнинг бурчимиз.

Қорақалпоқ элида эртанги кунимизга ишончнинг мустаҳкамлиги кўнгилга бениҳоя ёруғлик сочади.

* * *

Нукус осмонида юлдузлар чарақлайди. Юлдузларнинг бу қадар яқин, кучли ва ғуж бўлиб порлаб туриши барчамизни ҳайратга солди. Ҳали замон қуёш уфқдан бош кўтариб, қорақалпоқ диёрининг яна бир фараҳли куни бошланади.

**Муҳаммад АЛИ,**
**Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ,**
**Абдусаид КЎЧИМОВ,**
**Адҳамбек АЛИМБЕКОВ**

# ТЎЙ ТЎЙДЕК БЎЛСИН...

**"Обод элга тўйлар ярашади", "ЎзАС", 12 ноябр**

Бирон яқин қариндошингиз тўйга таклиф қилиб қолса, албатта, хурсандчиликдан бошингиз осмонга етади. Бу кун нафақат келин-куёвнинг, балки қариндош-уруғларнинг ҳам хотирасида унутилмас бўлиб қолади.

"ЎзАС" саҳифаларида Санобар Нишонованинг "Обод элга тўйлар ярашади" номли мақоласини ўқир эканман, хаёлимдан шу ўйлар кечди. Унда, аввало, никоҳ куни куёв томонидан келинни олиб кетиш учун буюртириладиган қимматбаҳо машиналар ва уларга кетадиган сарф-харажат ҳақида фикр юритилган. Бундай тадбирларга катта пул сарфлаш кимлар учун у қадар муаммо уйғотмас, лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор.

Кўпчилик ота-оналар йиллаб йиғиб-терганини орзу-умид билан фарзандининг тўйига асраб юради. Бундай вазиятда ортиқча сарф-харажат ҳаммага ҳам тўғри келавермайди. Аммо орзу-ҳавас, элдан ортда қолмасликни ўйлаб, қарз-ҳавола кўтариб, оиласига жабр қилаётганлар, афсуски, орамизда кам эмас. Ёки тўй арафаси келин бўлмиш куёвга озгина қовоғини уйса, бечора куёв дўстларини ишга солиб бўлса-да, сўнгги русумдаги машиналарни қаторлаштириб, келинникига дабдаба билан кириб келади...

**Акс садо**

Тўғри, тўй ҳаётда бир марта бўладиган ва кейин ҳам ҳамманинг юрагида бир умрга муҳрланиб қоладиган кун. Бироқ озгина эътиборсизлик ёки лоқайдлик оқибатида шундай кўнгилсизликлар ҳам рўй бермоқдаки, бунга индамай қараб тура олмаймиз. Яқинда қишлоғимиздаги бир тўйда бўлган аянчли воқеа анчагача кўпчиликни безовта қилди, ота-оналарнинг тўй деса юраги безиллайдиган бўлди. Эрталаб ота-онасидан фотиҳа олиб, дўстларининг тўйига отланган икки оиланинг суюкли фарзандлари орадан ҳеч қанча вақт ўтмай бевақт дунёдан кўз юмди. Икки ота-она фарзанд доғида куйиб қолди.

...Оиласининг эркатойи, ягона қизи Зарнигор дугонасининг тўйи ҳақидаги хабарни эшитиб, ўзида йўқ қувонди. Ахир у келиннинг энг яқин дугонаси бўлиб, ёнида юради. Ҳали чиройли кўйлак тиктириши, туфли сотиб олиши керак. Агар кийимига мос тушадиган сумкачаси бўлса, у ҳам зарар қилмайди...

Никоҳ куни Зарнигор янада очилиб кетди. Тўйга отланаётган қизини она: "Туф-туф, кўз тегмасин, сени худонинг паноҳига топширдим", дея дуо қиларкан, негадир безовталанди. Одатдагидек куёв келинникига жўралари билан ўнга яқин сўнгги русумдаги машиналарда келди. Бир-биридан чиройли безатилган машиналар кўчаларни тўлдириб, сигнал бериб қаторлашиб борарди. Шунда келин-куёв ўтирган машина бошқалардан ўзиб кетди. Ҳали она сути оғзидан кетмаган куёвнинг жўраси ўзига ишонганиданми, тезликни ошириб юборди. Кутилмаганда қаршисидан чиққан юк машинаси олдида довдираб, ҳатто тормозни босишга ҳам улгурмади...

Ҳалокатга учраганлар касалхонага олиб келинди. Оппоқ либосга бурканган келиннинг кўйлаги қип-қизил қонга бўялди. Бироқ бу келиннинг эмас, ёнида ўтирган дугонаси — Зарнигорнинг қони эди. Машинанинг олд ўриндиғида уларни суратга олиб кетаётган йигит ҳам воқеа жойида жон берди. Шукрки, келин-куёвга оғир шикаст етмабди...

Мени эса ўн гулидан бир гули очилмаган ёш қизнинг ўлими ҳамон ўйга толдиради. Эрталаб уйи остонасидан оппоқ орзулар хаёлида чиққан Зарнигорнинг фожиали ўлими ҳар қандай инсонни титроққа солади. У чимилдиққа кириш тугул, буни орзу қилишга ҳам улгурмаган бўлса... Бундай вазиятда айбдорни излашдан ҳеч қандай наф йўқ.

Ҳаёт бор экан тўйларимиз давом этаверади. Бироқ, кўза кунда эмас, кунида синади, деганларидек, гўзал тўйларимизни лоқайдлик туфайли ёки дабдабага берилиб азага айлантирмаслик ҳақида ўйлаш ҳам бизнинг вазифамиз эмасми? Келинникига олиб бориладиган машиналарни ўз касбининг усталари, профессионал ҳайдовчилар бошқарса, тўй эгалари буни қатъий назорат қилса кўнгил анча тўқ бўларди. Юқоридаги каби ҳолатларнинг олди олиниб, бошқалар ҳаёти хавфда қолмасди. Бинобарин, тўй қилаётган одам тўй билан боғлиқ ҳамма нарсани кўнгилдагидек бўлиши учун жон куйдириши ҳам фарз, ҳам қарз эмасми?

Агар тўйга "Лимузин"лар хизмат кўрсатмаса ёки тўйхонадаги хонандалар овозини баланд қўйиб, қулоқларни батанг қилмаса, тўйдан ҳеч кимнинг кўнгли қолмас, бироқ худо кўрсатмасин, юқорида айтилгани сингари ортиқча дабдаба боис бирор кўнгилсизлик юз берса, унинг озори ва алами ҳеч кимнинг юрагидан чиқмайди, деб ўйлайман.

**Дилафрўз ИСОҚОВА**

## БЕПАРВО БЎЛМАЙЛИК

Хонадонларда юз берадиган фавқулодда ҳодисалар кўпинча болаларни эътиборсиз қолдириш туфайли келиб чиқади. Айтайлик, тамаки чекадиган аксар хонадонларда болалар 9-10 ёшдан биринчи чекиш сабоғини ола бошлайдилар. Табиийки, бундай ёш кашанданинг ёнида албатта гугурт ҳам бўлади. У, дуч келган жойга тамаки қолдиғини, чала ёнган гугурт чўпини ташлаб кетмайди, деб ҳеч ким кафолат бермайди. Қолаверса, ўсмир болаларда қуриб-қақшаб ётган ҳашак, чўп, чиқинди уюмларини ёқиш иштиёқи кучли бўлади. Бемаврид ёқилган гулханни назоратсиз қолдириш эса кўнгилсиз оқибатларга олиб келади.

Афсуски, кўпчилик бундай фалокатлардан тегишли хулоса чиқариб олаётгани йўқ. Ёнғин хизмати томонидан олиб борилаётган тушунтиришларга қарамай, фуқаролар ёнғин хавфсизлиги қоидаларига лоқайдлик билан қарамоқдалар, ўз фарзандларининг ўт, гугурт билан ўйнашига бепарво бўлмоқдалар. Фарзандлари истиқболини ўйлаган, мол-мулкининг ўт балосидан хатарсиз бўлишини истаган одам албатта хавфсизлик қойдаларга риоя қилиши лозим. Бунинг учун биринчи навбатда газ ва иситиш анжомларидан тўғри фойдаланиш, электр анжомларни қаровсиз қолдирмаслик, айниқса, вақтинчалик тортилган электр симларидан фойдаланмаслик зарур.

**Мухтор ХАСИМОВ, кичик инспектор**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! тел: 233-57-47

# ХАЛҚИМИЗ ТАРИХИНИНГ ШОҲ БАЙТИ

Бошланиши биринчи саҳифада

Алпомиш — халқимизнинг бунёдкор инсон ҳақидаги тасаввурларини ўзида мужассам этган идеал қаҳрамони. Достоннинг бош ғояси, фалсафаси ана шу асосга қурилган. Шу сабабли у барча даврларда авлодларга ибрат бўлиб келмоқда. Ўз тақдирини миллат тақдири билан боғлаб яшайдиган ўғил-қизлари бор халқ ҳеч қачон завол топмайди. Авлодлар мана шундай тимсоллар руҳида тарбияланса, бундай халқнинг маънавияти бутун, келажаги буюк, йўли ойдин бўлади.

"Алпомиш" достонида куйланган образларнинг ҳаёти, воқеалар тасвири ўзига хос ботиний маънога эга. Этноснинг тақдири, тарихдан уққан сабоқлари, билим хулосалари эпосда бадиий инъикосини топган. Достон мағзидаги ушбу моҳият уни барча даврлардаги авлодларга боғлайди. Этнос эпосида ўзини, ўзлигини куйлайди. Эпоснинг оҳанрабоси, қадр-қиммати, ҳар бир кўнгилга, замонга уйғун маъно касб этувчи қуввати шу кучда намоёндир.

**— Баркамоллик — инсоният учун ҳамиша маънавий манзил бўлиб келган. "Алпомиш" достони бугунги "ахборот эраси"да улғаяётган авлодга бу маънавий чўққи ҳақида қандай янги ва эзгу тасаввурлар беради?**

— Маълумки, инсоният ҳамиша кундалик турмуш заҳматларини енгиллаштирувчи восита ва усулларни топишга интилган. Барча даврлардаги илму ҳунар, фан-техника кашфиётлари ушбу истак ва интилишнинг меваларидир. Лекин бу қулайликларнинг аксарияти тан эҳтиёжларини қониқтиради, холос. Руҳимиз эса ҳамиша маънавий қадриятлардан озуқа олади. Техника воситаларидан фарқли равишда инсоният яратган маънавий қадриятлар эскирмайди, маънавий камолотга хизмат қилаверади.

Бугун "ахборот эраси"да улғаяётган авлодга "Алпомиш"нинг ибратли ўринлари кўп. Эпосдаги рамзий, тимсолий маънолар қатламига кирилса, у ҳар бир кўнгилнинг битмас-туганмас хазинасига айланади. Англанган, қайта кашф этилиб, бугуннинг маънавий мулкига қўшилган эпос ҳар бир шахс ва бутун халқнинг ўзлигини ўзига танитади. Ўзини англаган, таниган шахс – комил инсондир. Унинг ўйи сўзига, сўзи амалига, амали ўйига уйғун. У бефарқ, инерт одам эмас. У жамияту табиатдаги ҳар бир ҳолатга ўзини масъул, деб билади. У ҳал қилувчи вазиятларда "Маслаҳат бермаймиз, Бойсарибойга, осилмаймиз Бойбўрининг дорига", деб манфаатлари қобиғига беркиниб олган ёртибойчилик билан муроса қилмайди. Аксинча, "бировнинг чориғига бировни тойдирмаслик лозим", деган ақида билан яшаб, адолат ҳимоячиси бўлади.

"Алпомиш" достони, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, бизга, аввало, ватанпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳақгўй бўлишга, ўз юртимизни, оиламиз қўрғонини қўриқлашга, дўсту ёримизни, ор-номусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мозорларини ҳар қандай ёвуз тажовуздан ҳимоя қилишга ўргатади. Ўзимиз, қавму қариндошимиз, эл-юртимиз, қолаверса, инсоният, тарих ва вақт олдида жавоб бериш учун ҳар куни янгидан курашга киришишга чорлайди. Булар – барча замон ва маконда авлодларни фақат баркамол бўлишга ундайди.

**— Бу достонда ёрқин бадиий ифодасини топган миллий давлатчилигимизга хос жиҳатлар ҳақида ҳам тўхталсангиз?**

— Эпос хотира ва орзунинг чегарасида туғилади. Киши ҳаётида ёрқин из қолдирган воқеа-ҳодисаларни ё қувонч ёки афсус билан ёдлаб сабоқ уққани каби, халқ ҳам ҳаёт-мамоти боғланган улкан ҳодисаларни авлоддан-авлодга эпос воситасида мерос қолдиради. Достон — тарихий ҳужжат бўлолмаслиги мумкин, аммо у тарихдан четда қолган тўқима ҳам эмас. Бугун ёзма далилга таяниб қолган айрим одамлар ҳар қандай фикрга ҳужжат талаб қилиши табиий. Аммо ёзма далиллар қабатида «оғзаки ҳужжатлар» ҳам бақамти яшаши факт. Миллатнинг кўнгил тубидаги бобомерос хотиралар ўзаги бунга далилдир.



Эпос тарихнинг майда тафсилотларидан эмас, моҳиятни типик ҳолатларда умумлаштиришдан яралади. У тарихнинг барча даврларини яхлит бир жамловчи тимсолий давр тизимини яратади. Бундай асар бевосита халқ тақдирномасига айланади. Шу аснода "Алпомиш" нафақат кўҳна мифологик тасаввурлардан, муқаддас битиклардан, балки халқнинг кечмиш тарихидан ҳам қувват ва улги олиб, кўркам бадиий эстетик ҳодисага айланган.

"Алпомиш" воқеасини "айрилиқ ва бирлашув достони", деб аташ мумкин. Оила таназзулга юз тутади, яна қайта қувватга эниб, қад ростлайди, ўзлигини намоён этади: ойнинг ўн беши ёруғ, ўн беши эса қоронғу. Нима учун айнан ушбу сюжет пайдо бўлди? Нега барча ҳақиқатлар ушбу воқеа тизимига қурилди? Жавобни эпос яратувчиси бўлмиш халқнинг кечмиши, тарихи айтади.

Халқимиз кечмишида айни ҳолат энг долзарб масала бўлганлигига далиллар, мисоллар исталганча топилади. Бўлинув ва бирлашувнинг «болу заҳри»ни аждодларимиз кўп тотишган. Яқин беш-олти асрда кечган воқеаларни яхлитлаштириб, хаёлан ёдлайлик: Соҳибқирон Амир Темур тузган салтанат довруғи... Уч хонлик даври... Ички низо ва келишмовчиликлар оқибатидаги Чор Россияси босқини ва мустабид совет тузумининг халқимиз бошига солган мусибатлари... Ва ниҳоят истиқлол: тикланиш ва тараққиёт...

Тақдир чархпалаги айланар экан, таназзул ва юксалишнинг ҳар бир ҳалқаси хотирани янгилаб боради. Халқимиз бу такрорсиз такрорни чуқур англаб, туб моҳиятига етган, кўнглида пишитиб, авлоддан-авлодга достон шаклида ўтказган. «Алпомиш» моҳиятида тарих ана шу тарзда сингган. Бу достон уқтирувчи сабоқни, унинг мағзидаги маънони уқиш орқали ҳар бир авлод ўз ҳолига, ҳолатига баҳо беради.

**— Бугунги алпомишшунослик манзараси қандай? Бу йўналишда олимларимиз олдида ечимини кутиб турган муаммолар ва долзарб масалалар нималардан иборат?**

— "Алпомиш" достонини ёзиб олиш, нашр этиш, илмий тадқиқ қилиш ишлари XX асрнинг йигирманчи йилларидан бошланган. Дастлаб Ғози Олим 1922 йили Фозил шоир ва Ҳамроқул бахшидан достоннинг маълум қисмини ёзиб олиб, чоп этган. Достоннинг тўлиқ варианти 1927-1928 йиллари Фозил шоир ижросида Маҳмуд Зариф томонидан ёзиб олинди ва 1939 йил Ҳамид Олимжон таҳрири остида эълон қилинди. Достоннинг тўлдирилган нашрини Ҳоди Зариф ва Тўра Мирзаев "Ўзбек халқ ижоди" кўп жилдлигида амалга оширдилар. Афсуски, ўтган асрнинг 50-йилларида, миллий меросимизнинг кўпгина намуналари каби, "Алпомиш" достони ҳам миллатчилик руҳидаги асар сифатида қораланиб, қатағон қилинди.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган кенг кўламли миллий тикланиш жараёнида "Алпомиш" ҳам халқимизнинг бебаҳо маънавий дурдонаси сифатида ўз ўрнини топди. Достоннинг тўла нашри 1992 — 1993 ва 1998 йиллари китобхонлар қўлига тегди, уларни кенг кўламда илмий ўрганиш ишлари амалга оширилди. Юртбошимиз ташаббуси билан "Алпомиш"нинг 1000 йиллик тўйи катта шодиёна билан нишонланди.

Достоннинг Пўлкан шоир ва Эргаш шоир, Берди бахши, Бекмурод Жўрабой ўғли, Саидмурод Панох ўғли вариантлари нашр этилди. Фозил шоир вариантининг академик нашри босмадан чиқди, кўплаб тадқиқотлар қилинди. Энг муҳими, фолклоршунослигимизда "Алпомиш" достонини ўрганиш бўйича илмий мактаб шаклланди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг фолклор архивида "Алпомиш"нинг ўттизга яқин варианти сақланаётган бўлса-да, улардан фақат бештаси кенг оммага етказилган. Бу борадаги илмий изланишлар кўламини янада кенгайтириш, достоннинг оммага, хусусан, ёш авлодга етиб бориши учун "Алпомиш" қомусини яратиш бу борадаги энг долзарб вазифалардан. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 7 октябрда қабул қилинган "2010 — 2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори бу йўналишдаги эзгу ишларда дастуриламал бўлиши шубҳасиз.

Халқимиз ўзи яратган ва севиб ардоқлаган бу афсонавий қаҳрамон сиймосида Ватанимизни ёмон кўзлардан, бало-қазолардан асрашга қодир, керак бўлса, бу йўлда жонини ҳам беришга тайёр азамат ўғлонларнинг маънавий қиёфасини кўради. Зотан, Юртбошимиз таъкидлаганидек, халқимиз бор экан, Алпомиш сиймоси ҳам барҳаётдир.

**ЎзА мухбири Умид ЁҚУБОВ суҳбатлашди.**

# ТЕРАНЛИККА ИНТИЛИБ



Бундан роппа-роса йигирма йиллар аввал профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирокида ўтган анъанавий илмий анжуманни яхши эслайман. Тадбир бошланган, маърузачилар бирин-кетин минбарга чиқиб, турли мавзуларда маъруза қилардилар. Навбатдаги маърузачига сўз берилганда озғин, қорачадан келган, кўзойнакли, қалин тик сочларига оқ оралаган бир йигит минбарга чиқди. У жуссасига унчалик мувофиқ келмаган фавқулодда ўктам овоз билан сўзлай бошлади. Дастлаб эътиборсиздай ўтирган аудитория жонланди, вужудлар қулоққа айланди. Маърузачи йигит тингловчиларга қарамас, ўз кўнгил оламига шўнғиб, адабиёт, бадиият ҳақидаги теран фикрларини асослашга уринар, жаҳон тан олган адабиёт назариётчиларининг фикрларидан иқтибослар келтирарди. Маъруза қарсаклар билан олқишланди. Конференцияни бошқараётган профессор Умарали Норматов: "Аспирант Абдулла Улуғовга саволлар бўлса, марҳамат", деганда айримлар қўл кўтарди... Хуллас, Абдулла Улуғов билан илк бор ўша илмий анжуманда танишган эдик.

Кейинчалик филология фанлари номзоди, доцент Абдулла Улуғов билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факултетининг "Жаҳон адабиёти ва назария" кафедрасида бирга ишлаш насиб этди. Унинг феъл-атворидаги нозиктаъблик, инсон қалбини ҳис қилишдаги ўзига хослик, самимийлик ҳар қандай кишини ўзига тортади. Мана шу фазилатлари унинг адабиётга қарашида, ёзувчи, шоир меҳнатига муносабатида ҳам сезилиб туради. Муҳими, мен танишган кездаги адабиётга чуқур меҳр, талқин ва таҳлил борасидаги жўшқинлик йўқолмаган, ҳамон ўша-ўша. Ушбу хусусиятлар А.Улуғовни ўз фикри ва овозига эга бўлган, китоблари, адабий-танқидий мақолалари кўпчилик томонидан эътироф этилган зукко адабиётшунос, фаол танқидчи сифатида танилишига омил бўлди. Чунончи, унинг "Ҳозирги ўзбек қиссачилиги", "Қиссачилигимиз қирралари", "Инсон ибратга интилади", "Асл асарлар сеҳри", "Ватан – жон ва тан" сингари илмий, адабий-танқидий китоблари ва уч юздан зиёд мақолалари, публицистик чиқишларида фаоллиги, тинимсиз изланишлари самаралари акс этган.

Ҳар бир ижодкорнинг ўз услуби бўлганидек, истеъдодли танқидчи ва адабиётшуноснинг ҳам ўз услуби бўлади. Абдулла Улуғов адабиётдаги сара асарлар ҳақида завқ билан фикр юритади. Ана шу завқ, эҳтирос мунаққид талқинлари, таҳлилий мулоҳазаларини жозибали қилиб, ичдан нурлантириб туради. "Адабиётнинг асл асарлари ноёб истеъдод соҳибларининг илоҳий илҳом билан, иштиёқ ила қилган меҳнати самараси сифатида дунёга келади. Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён", Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз", Абдулла Қаҳҳорнинг "Сароб", Ойбекнинг "Навоий", Одил Ёқубовнинг "Улуғбек хазинаси" романлари, Ғафур Ғуломнинг "Вақт", "Соғиниш", Абдулла Ориповнинг "Биринчи муҳаббатим", "Муҳаббат", "Баҳор" каби шеърлари шундай асарлар сирасига киради", деб ёзади у бир мақоласида. Зотан, чинакам истеъдод билан яратилган бадиий асарларни таний билиш ва танита олиш танқидчининг синчковлигидан далолатдир.

Адабиёт инсонга нима беради, деган савол ҳамма вақт долзарб бўлиб келган. "Инсоннинг руҳияти, қалб кечинмалари, изтироб-қувончлари тасвири унга ўзлигини англатиш учун хизмат қилади ва комиллик йўлини кўрсатади", деб ёзади у. Дарҳақиқат, мунаққиднинг асосий вазифаси бадиият намуналаридан шу каби саволларга жавоб топмоқ ва уларда кўтарилган муаммоларнинг моҳиятини англашга қаратилган. "Инсон ибратга интилади" мақоласида айтилган қуйидаги фикр ҳам теранлиги билан эътиборни тортади: "Инсон руҳияти, қалб кечинмалари ҳаққоний акс эттирилган асарлар барча миллат кишиларининг диққатини беихтиёр жалб этади. Ғарблик билан шарқликнинг, япон билан инглизнинг, рус билан француznинг, хитойлик билан немиснинг миллий турмуш тарзида, оила тартибларида, урф-одатларида, тўй-маросимларида, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт даражасида жиддий фарқ – тафовут мавжуд. Аммо уларнинг қалб кечинмаси, ҳис-туйғуларида, муҳаббат қувончи, изтиробларини, меҳр-оқибатни ҳис қилишида жуда яқин ўхшашлик, уйғунлик бор. Бу жиҳатдан Ер юзидаги барча миллат кишилари бирлашиб кетади".

## Икки оғиз дил сўзи

Мазкур фикрда бугунги глобаллашув даврида жаҳон адабиётида кечаётган жараёнларни назарда тутиб, адабиётнинг умуминсоний қадриятлар қаторидаги ўрни муҳимлиги таъкидланаётир.

Санъаткорона яратилган асарлар ҳайратнинг маҳсулидир. Бу маҳсул илҳом билан яратилган дурдона асарларда ҳайратланарли даражада намоён бўлади. Мунаққид китобхон эътибор қилмаган ёки англамаган сирли, сеҳрли тасвирларга нигоҳ ташлайди, уларнинг моҳиятини очиб беради. Бу ҳам адабиётшунос А.Улуғовнинг илмий-адабий фаолиятига хос муҳим жиҳатлардан бири.

Бугун баракали ижод қилаётган, изланаётган ҳамкасбимизда ўша — йигирма беш йил бурун илмий анжуман минбарида маъруза қилган пайтдаги шижоати, зукколигини кўриб қувонамиз. Бадиий асарлардан олган ҳайратларини нозиклик билан ифодалаб, китобхонга таъсирчан тарзда — ўзининг ҳаяжони, ҳайратига уйғун тарзда етказишга муваффақ бўлаётганини таъкидлаймиз.

**Дилмурод ХОЛДОРОВ,**
**ЎзМУ катта ўқитувчиси**

# КОНЦЕПЦИЯ ЗАРУРАТИ

***Бадиий ижодда ғоянинг пишиқ-пухталиги қанчалик муҳим бўлса, илмий тадқиқотда методологиянинг асослилиги шунчалик аҳамиятлидир. Ижодкор ғояни қанчалик пишитса сарлавҳа, илк жумла, структура сиқиқлик, жозиба, тиниқлик касб этади. Олим методологик асосни тўғри белгилаб олса, ортиқча, нокерак далилу тафсилотлар табиий равишда тушиб қолаверади. Методологик асос илмий ходим онгида етиладиган мураккаб жараёндир. Ўқиш, ўрганиш, қиёслаш, руҳий-ақлий изланиш самараси ўлароқ методологик таянч контури шаклланади.***

Жадалий (диалектик) тараққиёт тадрижий (эволюцион) ўзгаришларга таянади. Инқилобий ўзгаришлар диалектика таркибида бор. Лекин уни асос, таянч деб билиш тўғри эмаслигини жамиятдаги ҳолатлар, мисоллар тасдиқлади. Бадиий ижодда тадрижий ўсишнинг холис, табиий кўриниши адабий қаҳрамонларни бетакрор очишда, онг оқимини юксак маҳорат билан тасвирлашда кўринади. Онг оқими ташқи таъсир, муаллифнинг аралашувидан иҳоталанган жараёндир. Санъаткор қаҳрамондаги онг оқими хусусиятлари нозиклигини ўрганса, тасвирда адашмайди, бош йўлдан тоймайди. Асрлар синовидан ўтган реализм – яхши, лекин унда воқелик, қаҳрамон муаллиф талқини орқали акс эттирилади.

Синергетика методи асосида табиий ҳолат, борлиқни, инсонларни қандай бўлса шундай мураккабликда акс эттириш қонунияти бор. Бу қонуният жамият ҳаётига табиатдаги мураккаб тузилмадан кириб келган. Табиатдаги ҳолат, ўзгаришлар ҳақида физиклар, кимёгарлар кўп кашфиётлар яратганлар. Белгиялик олим Илья Пригожин термодинамика тизимидаги мукаммал мутаносиблик қонуниятини кашф этди. У ҳақида кўп ёзилган.

Ижтимоий соҳа вакиллари, хусусан, адабиётшунослар синергетикани ўзларича тушундилар, жамиятда татбиқ эта бошладилар. Синергетика жонсиз табиат, деган қарашни инкор этади. Темир, тош, тупроқ – жисмлар ботинида тирик сергак қудрат бор. Жамодот, наботот, ҳайвонот, жумладан, инсонга фалокат дориса, "касаллик" ҳужум қилса, сирли, ботиний куч ишга тушади, ўзини-ўзи ҳимоя қилади.

Илмий техника тараққиёти инсонни улуғлади, айни вақтда, экологик фалокатларга йўл очди. Синергетика инсон ва табиатни экологик ёвузликларга қарши курашда ҳамкор қилди. Эътибор беринг, синергетика методи қўлланила бошлагач, ҳайвонлар, парранда-даррандa, яшил олам, тоғ-тошларга муносабат ўзгарди. Хуллас, синергетика фан соҳасидаги методологик асослардан бирига айланди. Аслида-ку, синергетика тамаддуни қадим халқлар адабиётлари учун янгилик эмас. Бадиий адабиётда: "чумолига ҳам озор берма", "чўпни хўрласанг кўзга тушади", "яхши гапга илон инидан чиқади" сингари гаплар юзлаб асарларда айтилган...

Методологик асос деганда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, фалсафий-эстетик, маънавий-маърифий моҳиятини акс эттирган асарлар тушунилади. Йигирма йилдан бери Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йўлидан боряпти. Мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаёти Президент Ислом Каримов асарларида изчиллик билан ёритилмоқда. Ўзбекистон глобаллашув жараёнида, иқтисодий-молиявий кризис пайтида нафақат ўзини ҳимоя қилди, балки жаҳон мамлакатлари раҳбарларига иқтисодий молиявий буҳронлар гирдобидан чиқишнинг методологиясини кўрсатиб берди. Ижтимоий соҳа кишилари Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" (2008), "Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш" (2009), "Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор" (2009) сингари асарларини методологик таянч сифатида танлашмоқда. Дарҳақиқат, Президент асарларини кунт билан ўқиб-ўрганган илмий ходим ўзи тадқиқот олиб бораётган мавзунинг методологик асоси бетакрор ёритилишига эришади.

Амир Темурнинг "Темур тузуклари" асари ҳаёт синовидан ўтган дастурдир. Соҳибқироннинг давлатни бошқариш тартиботи, ички ва ташқи сиёсатнинг муҳим томонлари мазкур асарда ўз аксини топган. Амир Темур инсонпарварлик тамойилларга амал қилган. У ўз истаги, хоҳиши билан ўзга юртларга юриш қилмаган. Қайси юртни босиб олса, адолат билан иш юритишга эътибор берган. "Темур тузуклари" 12 бандининг 9 бандида машварат — келишиб, маслаҳатлашиб ҳаракат қилиш таъкидланган. Соҳибқирон фаолиятида инсонпарварлик масаласи етакчилик қилади. Аксинча, енгилган рақибига йўл қўйган хатосини тушунтиради, аҳли аёлини хўрламайди, фарзандларига амал-вазифа беради. Амир Темур узоқни кўриб ҳаракат қилган буюк арбоб-сиёсатчи эди. У мўғул босқинчиларини енгиб, Европа халқларини хавф-хатардан асраб қолди.

Диссертацияларда, йирик тадқиқотларда инсоният тан олган донишманд-файласуф, буюк олимлар асарларидан методологик асос сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Фанлар кўп, мутахассисликлар сероб. Ҳар бир олим ўз фани, мутахассислигига монанд асарларни зукколик билан танлаш уқувига эга бўлиши лозим. Адабиётшунослар Афлотун, Арасту, Форобий, Ғаззолий, Замахшарий, Улуғбек, Навоий, Бобур асарларидан, кўплаб тазкиралардан унумли фойдаланмоқдалар. Жаҳон эстетикасининг Гегель, Юнг, Хайдеггер, Фрейд сингари вакиллари асарларини ижтимоий соҳа кишилари, хусусан, адабиётчилар кунт билан ўрганмоқдалар.

Н.Бердяев, М.Бахтин сингари олимлар янги адабиётшуносликнинг илмий-назарий муаммоларини ёритдилар. Ҳозирги адабиётшунослар аксиология, герменевтика, структура, онтология, семиотика сингари масалалардан; биографик, тарихий функционал ёндашувдан; структурали микроанализ, тизимли, услубий талқин йўсинларидан хабардорлар. Глобаллашув жараёни жаҳон адабиётшунослигининг янги, истиқболли муаммоларини ўртага ташлади. Назарий методологик янгиликларни кашф этиш қийин бўлиб қолди.

XX—XXI аср ўзбек адабиётшунослигида Фитрат, А.Саъдий, И.Султон, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов сингари олимлар методологик муаммоларни дадиллик билан кўтардилар. Фитратнинг "Адабиёт қоидалари"да ҳануз кенг ўрганилиши лозим бўлган жиҳатлар бор. Масалан, услуб, оҳанг, урғу талқини масалалари ҳали кенг ёритилгани йўқ. Фитрат ўтган асрнинг 20-йилларидаёқ структурализмнинг ўта нозик муаммоларини кўтарган.

Академик Матёқуб Қўшжонов ўзбек адабиётшунослигида характер муаммосини теран, атрофлича ёритди. Ўнлаб тадқиқотларда М.Қўшжоновнинг характер, сюжет, композиция, шакл ва мазмун ҳақидаги назарий қарашлари методологик асос вазифасини ўтади.

Озод Шарафиддинов синчков олим эди. У ақлини таниганидан то 90-йилнинг ўрталаригача соцреализм ҳақида ёзилган ўнлаб тадқиқот, юзлаб мақолаларни ўқиди. Қанча ўқимасин, социалистик реализм унга "қалбини очмас", аксинча, узоқлашиб, бегоналашиб борарди. Рус ёзувчилари А.Платонов, М.Булгаков, М.Пришвин, Б.Пастернаклар шўро замонида яшадилар, асарлар ёздилар, ёзувчилар орасида бўлдилар. Лекин улардан социалистик реализмнинг муносиб намояндаси чиқмади. Хўш, соцреализм нима эди? Қандай қилиб жадид Ҳамза 1939 йилдан бошлаб ўзбек адабиётида соцреализмнинг асосчиси бўлиб қолди? Озод Шарафиддинов "Истиқлол қурбони ёхуд ўзлигидан маҳрум этилган шоир" мақоласида шўро замонида 12 йил яшаган, ижтимоий-адабий ҳаётда фаол иштирок этган Ҳамза Ҳакимзода зинҳор социалистик реализм методи намояндаси бўлмаганлигини тасдиқлайди. Гарчи Ҳамза "Бой ила хизматчи", "Паранжи сирларидан бир лавҳа", "Ишчилар уйғон", "Жаҳон сармоясининг сўнгги кунлари" асарларини ёзган бўлса-да, моҳиятан маърифатпарвар, жадид адабиёти вакили эди. Ундан зўрма-зўраки социалистик реализм методи байроқдорини ясадилар. Бу – мафкуравий тазйиқ, вульгарликнинг қўпол кўринишидир. О.Шарафиддиновнинг: "Ҳамза ҳеч қачон социалистик реализм методидаги адабиёт намояндаси бўлмаган", деган қатъий даъвоси XX асрда яшаган ўзбек ёзувчилари ижодини қайтадан ўрганишга ундайди.

О.Шарафиддинов табиатан истиқбол ошиғи эди. У ёшлар даврасида бўлишни ёқтирар, навниҳол ижодкорлар асарларини синчиклаб ўрганар, келажак ҳақида суҳбат қуришдан зерикмасди. Ўтган асрнинг 80-йилларидан футурология генезиси, ҳозирги ҳолати, келажаги билан жиддий қизиқди, мақолалар ёзди, футурологлар асарларини таржима қилди, чоп эттирди. Лекин устоз футурология назарияси – методологияси ҳақида узил-кесил концепция яратмади. Ваҳоланки, XX асрнинг 90-йилларидан эътиборан футурология эстетика – адабиётшуносликнинг долзарб масаласига айланганди. 1994 йилда футуристларнинг кенг қамровли конференцияси бўлди, "Этнофутурология" атамаси расман қабул қилинди. Дунёда, Озод Шарафиддинов сингари, футуризм ишқибозлари кўп эди. Футуризм глобаллашув жараёни арафасида кенг ёйилди, жаҳонда ўз мухлисларини орттирди. Бошқача айтганда, замонавий структурализм глобаллашувининг қалдирғочи бўлди. Уни этнофутуризм, деб атай бошладилар. Футуристлар жамияти ҳар бир эл, этнос, халқ ўз замини, илдизидан туриб келажакка интилиши жоизлигини уқтирди. Этномифология билан постмодернизм орасида яқинлик ҳам, зиддият ҳам бор. Қадимий анъана, урф-одатларнинг келажак билан бақамти келиши ҳаммани қизиқтиради. Демак, этнофутуризм — фолклорнинг жаҳон постмодернизми билан диалоги, баҳси.

Мантиқан, этнофутуризм мумтоз фолклоршунослик асосида ривожланиши табиий эди. XXI аср бошларида халқ достонларига қизиқиш ортди. "Алпомиш" ҳақида педагог,

## Бадиият ва назария

тарихчи, санъатшунос ҳам ёза бошлади. Баъзи мақолаларда "Алпомиш" қаҳрамонлари билан Ч.Айтматов асарларидаги тимсоллар қиёслана бошланди. Фолклоршунослар миллий удумларнинг замонавий талқини ҳақида қизиқарли мақолалар ёздилар. Шомирза Турдимов фолклор асар-достонларига модернизм нуқтаи назаридан ёндашди: авлодлар силсиласи, фолклор тимсоллари, ранглар мутаносиблиги ҳақида ғаройиб чизмалар яратди. Тоғай Мурод, Ҳалима Худойбердиева, Усмон Азим, Эркин Аъзам, Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонқул, Эшқобил Шукур каби ижодкорларнинг асарлари руҳ-руҳига фолклоризм сингиб кетди.

Ўзбек адабиётшунослигида XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб биографик метод тараққий этди. А.Қаюмов, Л.Қаюмов, О.Шарафиддинов, А.Акбаров, Н.Каримов, Отаёр, Н.Раҳимжоновнинг танқидчилик романлари – биографик тадқиқот асарлари яратилди. Биографик методда ижод қилаётганларнинг етакчиси Наим Каримовдир. Бу муаллифнинг "Ҳамид Олимжон", "Ойбек" асарларининг яратилишига мазкур санъаткорлар "Мукаммал асарлар"ининг чоп этилишида иштирок этиши сабаб бўлган. Афсус билан қайд этиш жоизки, бизда ёзувчилар асарларининг академик нашри деярли тўхтаб қолди. Алишер Навоий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон асарларининг асосий қисми чоп этилди. Лекин академик нашрнинг мукаммал қонун-қоидалари бор. 44 йилгина умр кўрган, 27 йил ижод қилган Антон Павлович Чеховнинг 30 жилдли асар ва мактублари, 18 жилд бадиий асарлари чоп этилган. Уларда адибнинг ҳар бир асарининг қораламалари, биографияси мукаммал берилган.

Ўзбек ёзувчилари ижоди, асарларига эътибор қаратсак, уларда ўрганилмаган масалалар, биографиясининг қоронғу томонлари ниҳоятда кўп.

Академик нашр биографияга, асарлар тарихига оид изоҳларни тўлиқ, ишонарли бериши билан қадрлидир. Абдулла Қодирий асарларининг академик нашри у ёқда турсин, ёзувчи ҳақида мукаммал биографик асар ёзилмаган. Ҳозир истеъдодли ёзувчилар асарларининг академик нашрини тайёрлаш ниҳоятда зарур бўлиб қолди. Тадқиқотчилар, илмий даража олиш учун, диссертация ёзувчилар учун асарларнинг академик нашри ниҳоятда зарур. Қолаверса, миллий адабиётшунослик мавқеи академик нашрларни юқори савияда тайёрлаш маҳоратига кўра белгиланади.

Ўзбек адабиётшунослиги манбашунослик, матншунослик соҳасида бой тажрибага эга. Бу – ёзувчилар асарлари академик нашрини тайёрлашда қўл келади. Иккинчидан, матншунослик, манбашунослик бадиий матн струкураси билан узвий боғлиқ. Ҳозир бадиий асар структураси, семиотикаси бўйича баъзи ишлар амалга оширилмоқда. Уларда матннинг тагмаъносини тадқиқ этишга ҳаракат қилинмоқда. Лекин структурал талқин билан шуғулланувчилар бадиий асар услуби, оҳанги, сўзтовушларининг функцияси масаласига жиддий эътибор бермаяптилар.

Ҳозирги ўзбек адабиётшунослигида модерн, постмодерн асарларининг архитектоникаси, воқеаларнинг гоҳ олдга, гоҳ ортга, гоҳ онг оқимининг табиатига кўра талқин қилинишига унча эътибор берилмаяпти. Дилмурод Қуронов, Шуҳрат Ризаев, Улуғбек Ҳамдам сингарилар ишида янгича талқинлар диққатни жалб қилади.

Афсуски, диссертация ёзаётганлар илмий концепцияни аниқ белгилаш, уни изчил давом эттиришга қийналяптилар. Бунинг бош сабаби шуки, талабалар илмий асарларни ўқиш, уқишга кам эътибор берадилар. Аслида, илмий концепция — ёш тадқиқотчининг маёғи, компаси. Хуллас, илмий-назарий таянчни бехато белгилаб олиш – пишиқ илмий иш яратишнинг гаровидир.

**Абдуғафур РАСУЛОВ,**
**филология фанлари доктори,**
**ЎзМУ профессори**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! тел: 237-21-83; 237-18-24 e-mail: oao@post.uz

